



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (13.607)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 январь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқуллод ва мухтор элчиси Сунь Лицзени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Хитой элчисининг фаолияти самарали бўлгани ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шерикликини ривожлантириш ва мустақамлашга катта ҳисса қўшганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

2017 йил май ойида ХХРга амалга оширилган олий даражадаги ташриф ва икки давлат раҳбарлари эришган келишувлар Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш ва уни аниқ мазмун билан бойитиш имконини бергани таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар, жумладан, парламентлар ва минтақалараро муносабатлар фаоллашди. Топонлар бир-бирини халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Ўзаро савдо ҳажми изчил ортиб бормоқда. 2017 йил якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 4,5 миллиард долларга етган. Гидроэнергетика ва нефть-газ тармоғи, транспорт инфратузилмасини

модернизация қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш соҳаларида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мухим минтақавий транспорт йўлакларини – “Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой” автомобиль ва темир йўллари ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги ишлар бошлаб юборилган.

Маданий-гуманитар, илмий ва таълим соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Ўз навбатида, Хитой элчиси Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Дипломат Хитой ўзаро муносабатларга муҳим аҳамият қаратаётгани, Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликини янада кенгайтириш ва мустақамлаш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Хитой элчисининг ҳар томонлама стра-

тегик шериклик муносабатларини мустақамлашга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, Сунь Лицзегга Ватанимизнинг юксак давлат мукофоти – “Дўстлик” орденини топширди.

Элчи Сунь Лицзе давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга унинг фаолиятини юксак баҳолагани ва “Дўстлик” ордени билан мукофотлагани, шунингдек, Ўзбекистонда Хитой дипломатик миссияси фаолиятига берилаётган ҳар томонлама қўмак учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликини ривожлантиришда бундан буён ҳам фаол иштирок этиш мақсадида эканини таъкидлади.

Тақдирлаш маросимида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Ў.А.

Памела СПРАТЛЕН:

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗ ДАВЛАТИНИ ЯНГИЧА ЙЎЛДАН ОЛИБ БОРМОҚДА

Халқаро экспертлар, сиёсатшунослар ва таҳлилчилар Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни диққат билан кузатмоқда, амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо бермоқда

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Памела Спратленнинг “Америка овози” телерадиоси муҳбири Навбахор Имомовага берган интервьюсида ҳам бу ўз ифодасини топди.

Куйида ушбу суҳбат баёни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистонда иш бошлаганимга уч йил бўлди, деди Памела Спратлен. 2015 йил 27 январда Президент Ислам Каримовга ишонч ёрлиғи топширилган. Уша давр билан таққослаганда, ҳозирги Ўзбекистон гайратга тўла. Ўзгариш учун хоҳиш қилди. Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрнини мустақамлаш ва уни ривожлантириш бўйича самимий ва очиқ муҳокама кетмоқда. Жуда ҳаяжонли, қувончли давр.

Шавкат Мирзиёев етакчи сифатида қўллаб-қувватлаётган масалалар ечими томон жонбозлик қилмоқда. Ўзбекистон Президентини 2016 йилнинг сентябрийда сўзлаган нутқида янгича қўшничилик сиёсати ҳақида гапириб, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан алоқани мустақамлашди, деган эди.

Бу тезда амалга оширилиб, Президент аввал Туркменистонга, кейин Қозғоғистон ва бошқа давлатларга борди. Бу Марказий Осиё билан ишлаб келаётган томонлар учун жуда қувончли. Минтақа катта потенциалга эга деб келганмиш ва энди буни минтақанинг ўзи исботлашга ҳаракат қилмоқда. Ҳамма умидага тўла.

Ўзбекистон қўшни Афғонистон билан ҳам ҳамкорликини ривожлантира бошлади. Афғонистон Президентини Ашраф Ғани Ўзбекистонда жуда яхши қутиб олди. Мен Президентларнинг расмий қабул маросимида катнашиш шарафига муяссар бўлдим. Ажойиб ришталар. Президент Ашраф Ғани Бухорога ҳам борди ва унга Бухоро давлат университетининг фахрий доктори унвони берилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари, қолаверса, Афғонистон билан алоқаларини кузатсангиз, 2015 йилга қараганда ер билан осмонга фарқи кўрасиз.

АҚШ элчиси Президентимиз фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мамлакатимиздаги ислохотлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев жуда очик одам, назаримда. Раҳбарликка келиши биланок бу кўзга ташланди. Одамлар билан ақиндан очик мулоқот қилишни хоҳлайди, сизни кўнгил билан тинглайди. Гаплашганда сиз томон эгиласиз. Шавкат Мирзиёев АҚШ Президентини маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртис билан учрашганида ҳам шундай мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев кўп жиҳатдан ташқи дунёга ёпиқ бўлган давлатнинг ҳамма учун очик эканини кўрсатмоқда. Шу маънода Мирзиёевни ўз давлатини янгича йўлдан олиб боришга тайёр раҳбар, деб ҳисоблаймиз.

Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарликка танлалиши пухта, чуқур мулоҳазали бир қарор бўлди. Халқро ҳамжамаюнда ҳеч ким Ислам Каримов ўрнига шу одам келди, деб қутмаган эди. Шу маънода Шавкат Мирзиёев ҳаммани, жумладан, мени ҳам жуда кўп жиҳатдан ҳайрон қолдирган ва ҳайрон қолдиради. У одамлар билан ишлашни хоҳлайди, ҳамжиҳатлик

тарафдори. Президент лавозимига келганидан бери давлат ва халқни яқинлаштириш ҳаракатида. Барча даражадаги раҳбарларга халқ манфаатларини ўйланг, у билан мулоқот қилинг, деб ўқитмоқда. Бундай ёндашувни одамлар, назаримда, қутмаган эди.

Унинг бошлаган ишлари самара бера бошлади. Бир нарсга айтаётган: у давлат органлари золим бўлишини хоҳламайди, аксинча, давлат органлари халққа хизмат қилсин, дейди.

Ҳукумат тизимида эски даврдан қолган тажрибали одамлар ҳам бўлсада, иқтисодий ёш раҳбарлар кўпчилигини ташкил этади. Чет элда ўқиганларга кенг йўл очилаётгани ҳам улкан ўзгаришдир. Ёшларга эътибор катта. Хорижда ишлаётганларга ҳам ижобий қаралаётгани таҳсинга сазовор.

Бозор иқтисодиёти ҳам силжий бошлади. Олдинда қилинадиган ишлар талай. Президентнинг бу борада БМТда ва бошқа минбарлардан туриб гапирини, янги йўналишга ўтиш, Нью-Йоркда АҚШ иқтисодий доираларида бу борада очик айтиши кенг олқиланди.

Хар кунчи хушхабар. Олдинлари Ўзбекистонга шошмай, асталик билан ҳаракат қиладиган халқ ва ҳукумат, деб қарашар эди. Лекин бугунги сигнал шунки, Ўзбекистон олдинга шахдам қадам ташламоқда.

Президент Мирзиёев дадиллик билан кўпроқ бизнесменларни жалб этмоқчи, мамлакатда тўридан-тўри сармоя оқими кўпайсин, демоқда. 2017 йил сентябрда конвертация очилгани шунга бел боғланганидан дарак беради. Шундай экан, яна қўллаб-қувватлаш қутуби қолапти.

Хозирча ўзгаришлар ортда унинг ўзи турибди. Мирзиёев шу қадар тез ва талабчанки, у билан ёнма-ён кетиш қийин.

Тўғри, босим қучли. Ўзгариш қилиш керак. Бу имконият аслида. Имкониятлардан фойдаланиб қилиш зарур, чунки уларнинг муддати бор. Айримлар фикрича, 2-3 йил.

АҚШ сиёсий доиралари вакиллари Ўзбекистон Президентига ислохотчи, деб қарайди. У кўтарайтган масалалар, нутқларида аҳамият қаратаётган мавзулар – мисли қўрилмаган чиқишлар. Олий Мажлисга Мурожаатнома маросимида мен йўқ эдим. Конституция қўнидаги нутқини тингладим. Қўноқларга қарши гапирди. Бу – тарихий ўзгариш. Бу – ислохот. “Қора рўйхатлар” бекор қилиниши, одамлар ундан чиқарилиши – катта ислохот.

Шавкат Мирзиёев у қилаётган ишлар тўғри баҳолашини истаиди. У бошлаётган ислохотлар тан олинди, қувватланишини, бугунги Ўзбекистон олдинги Ўзбекистон эмас – шунинг олинишини хоҳлайди. Халқ ҳукуматдан узоқ эди, шунинг ўзгаришмоқчи. У ислохотчи сифатида майдонга чиқмоқда.

Памела Спратленнинг интервьюсида Ўзбекистон – АҚШ муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бизнесменларимиз ўзи боради.

Америка – Ўзбекистон савдо палатасининг сентябрда Нью-Йоркдаги йилгиликда АҚШда Ўзбекистонга нисбатан қизиқ қатна экани сезилди. Мана шу қизиқ энди амалда қандай акс этади? Шунинг устида ишлаш керак.

АҚШ ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари ўртасида олий даражада учрашув бўлса, мен элчи сифатида жон дейман. Ўтган ойда Президентлар телефон орқали мулоқот қилди. Самарали, ижобий мулоқот. Кейинги қадамлар устида ҳаракат кетмоқда. Вашингтонга ташриф, албатта, энг ажойиб воқеа бўлади.

Марказий Осиё биз учун жуда муҳим минтақа. Вашингтонда Ўзбекистонга қизиқ қатна экани юқори...

Ўзгаришлар тўхтамайди. Улар давом этиши учун Ўзбекистон халқига ва раҳбариятига куч ва матонат тилайман. Биз Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз, бу аниқ.

2018 йил Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон халқи учун ажойиб давр бўлсин, келажик порлоқ бўлсин, деди пировардида АҚШ элчиси.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЯНАДА ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, носоглом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополаштирилиши, сунъий тақчилликини юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навоининг асоссиз оширилиши, оқибатда, бу асосда қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бозорда айрим импорт қилувчиларнинг усту мавқега эга бўлишига улар учун индивидуал имтиёз ва преференцияларнинг тақдим қилинганлиги, уларнинг фаолияти учун эксклюзив шартлар яратилганлиги кўмаклашган, бу эса бошқа тадбиркорлик субъектларининг бозорга кириш имкониятини чеклашга олиб келмоқда.

Мазкур соҳада юзага келган вазият ишчанлик фаоллигини ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибadorлигини пасайтиради, халқаро майдонда мамлакатнинг обрўсига жиддий зиён етказиши.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, аҳолининг харид имкониятларини мустақамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида:

1. 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар тақдим қилинган бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикага озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар тақдим қилинган бекор қилинсин.

Белгилансинки, ушбу банд талаблари бузилган ҳолларда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликка тортилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вило-

ятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, “Ўзбек-Озиқовқатхолдинг” ХК, Ўзбекистон Республика товар-хона ашё биржаси, Республика универсал агросаноат биржаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан бирликлда бир ой муддатда:

2018 йилга озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчиларни излаб топиш ва жалб қилиш, улар учун бозорга киришда тенг шароитлар яратиш, уларга шартномалар тузиш, кiritилган маҳсулотларни ташуш ва сақлашда кўмаклаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, аҳолининг сифатли, арзон озиқ-овқат товарларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишни;

республиканинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартларида икти-сослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича замонавий юқори технология, энергия самарадор ускуналарни ташкил этишни таъминлашин.

3. Белгилансинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб:

истеъмол товарларини республика товар-хона ашё биржасида сотиш (сотиб олиш)га тақиқ бекор қилинади; шакар ишлаб чиқарувчилар 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар қисмига қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинади;

истеъмол товарларини товар-хона ашё биржаларининг очик электрон савдоларида сотиш (сотиб олиш) учун улгуржи савдонинг амалга оширишга лицензия мавжудлиги талаб этилмайди;

улгуржи савдога лицензия олишда энг кам иш ҳақининг 3500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, шундан пул маблағлари энг кам иш ҳақининг 1200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фонди мавжудлиги ҳақидаги талаб бекор қилинади;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари турларини Ички истеъмол бозоридан нарх-навоини барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан импорт қилиш истисно ҳолларда ва фақат товар-хона ашё биржалари, жумладан, хорижий биржаларнинг очик электрон савдолари тизими орқали амалга оширилади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг режалаштирилаётган харида, Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги батафсил ахборот ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилиб борилади;

(Давоми 2-бетда)

XXI аср савдои
Барча маъналардан олдин сунъий қабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Президентимизнинг Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йилги бўлиб ўтди. Тадбирда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят, туманлараро ва шаҳар судлари судьялари, вилоят прокуратураси, адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси масъул ходимлари ва жамоатчилик вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

● Тошкент вилояти Зангиота туманида “Миллий армиямиз – ёшларимизнинг мардлик, шижо-

ат ва жасорат мактабидир” мавзусида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди. Тадбир доирасида ташкил этилган кўرғазмада ҳарбийлар ёшларни замонавий ҳарбий техникалар, қурол-яроғ ва уларнинг тактик-техник хусусиятлари билан таништирди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 сентябрдаги “Инновацион ўқитиш услубларини жорий этиш йўли билан ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Гулистон шаҳрида “AviTest” ўқув маркази фаолият бошлади.

● Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлимининг янги биносини фойдаланишга топширилди. Ўттиз ўринга мўлжалланган замонавий бино барча қўлайликларга эга. Унда беморлар юқумли касалликлар турига кўра, тўртта алоҳида боксда даволанади. Бу эса хасталикларнинг ўзаро юқиш хавфи олдини олади. Бўлимда беморларни қабул қилиш, шифокорлар учун барча шароит яратилган. Туман тиббиёт бирлашмасида ошхона ва бошқа ёрдамчи

объектлар ҳам барпо этилди. Умуман, ана шу бунёдкорлик лойиҳаларига жами 6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

● Пхеньян ва Сеул ўртасида Шимолий Кореянинг 2018 йилги қишки Олимпиадада қатнашини юзасидан музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди.

● Испаниянинг АС спорт наشري улкан футбол юлдузи Криштиану Роналдунинг яна ўзининг аввалги клуби – Англиянинг “Манчестер Юнайтед” жамоасига қайтиши ҳақида маълум қилди. Бунга Чемпионлар лигасидаги ғалабадан сўраж жамоа бош мураббийининг ўз ваъдасида турмаганлиги ва ўйинчи билан янги шартноманинг узоқ муддатга тузилмаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

● Бразилияда Ўрта асрлар қондаларига амал қилган ҳолда Рицарлар турнири ўтказилди. Ушбу қизиқарли халқро мусобақада Австрия, Германия ва Канада каби давлатлар вакиллари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ЯНАДА ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

биржа брокерлари тижорат банкларига мижоз – норезидент номидан товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)га талабнома бериш, норезидент – юридик шахслар эса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига ҳисоб рақамлари очиб ва товар-хом ашё биржасининг очик электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш тартибини чайқовчилик ва бошқа суиистеъ-молчилик ҳолларига имкон бермайдиган чораларни назарда тутган ҳолда белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳаси;

бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шериклигини таъсирчан механизмларини жорий этиш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қўлай божжона-тариф тартиб-га солиш бўйича чораларни белгилловчи "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар мuddатда товар-хом ашё биржалари томонидан фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулот-

ларни ахборотдан эркин фойдаланиш ва унинг очиклиги, жумладан, маълумотларни чет тилларда (рус, инглиз тиллари) жойлаштириш, амалга оширилаётган операцияларнинг шаффофлигини, шунингдек, ўтказиладиган электрон савдоларга ари-лашиш ва уларнинг натижаларини бузиб кўрсатиш имкониятини истисно этишни назарда тутган ҳолда тубдан такомиллаштиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия ва-зирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда озиқ-овқат товарларига божжона тўловлари став-калари, божжона тартиб-таомиллари ва республи-ка божжона чегараси орқали товарларни ташиш тизимининг танқидий ўрганилишини ҳамда божжо-на тўловлари ставкаларини оптималлаштириш, ор-тиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, жумла-дан, тартиб-таомилларни "ягона дарча" тамойили асосида расмийлаштиришга ўтиш орқали товар-ларнинг божжона расмийлаштируви тартиб-таомил-ларини максимал соддалаштириш ва экспорт-им-порт операцияларини амалга ошириш харажатла-рини қисқартириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқи-лишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда чакана савдо ва хизматлар кўрсатишни тартибга соловчи қонунчиликни ортиқча тўсиқ ва ғовлар, давлат томонидан тартибга солишнинг асоссиз чораларини бартараф этиш нуктаи наза-ридан танқидий таҳлил қилсин, шунингдек, нати-жалари бўйича мазкур соҳани тубдан такомил-лаштириш бўйича тақлифлар киритсин;

озиқ-овқат товарлари нархини пасаитириш ва барқарорлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги сансалорлик ва бюрократия-ни бартараф этиш, шунингдек, республикада иш-чанлик муҳитини яхшилаш бўйича асосланган тақ-лифлар киритиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, жумладан, аҳамиятга молик озиқ-ов-қат товарларини экспорт ва импорт қилувчилар, чет эллик инвесторлар ва хорижий ҳамкорлар бил-дан доимий асосда мунтазам очик ва тўғридан-тўғри мулоқотларни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технология-лари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва-зирлиги Давлат божжона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта мuddатда Бош прокурату-ра ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига Давлат божжона қўмита-си, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идоралар-нинг ахборот маълумотлар базаларидан масофа-дан туриб фойдаланиш имкониятини яратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмалари раҳбар-лари божжона тартиб-таомилларини амалга оши-ришда сунъий тўсиқлар яратиш, сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйганлик учун шахсий жавобгарлиги ҳақида қатъий огоҳланти-ринсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар мuddатга божжона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган (божжона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустас-но) озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёларнинг айрим турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқ-лансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-масининг 2002 йил 19 июлдаги "Республикага ис-теъмол товарлари ноқонунли олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғри-сида"ги 257-сонли қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирил-ган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ри-вожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божжона қўмитаси ва бошқа манфаатдор идора-лар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқади-ган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 16 январь

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси
экспертлар кенгаши томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон
Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва
технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид
Давлат дастури лойиҳасига 30 дан ортиқ тақлиф умумлаштирилиб,
Миллий комиссия қўриб чиқиши учун юборилди.**

Давлат дастури лойиҳасига нодавлат нотижорат ташкилот-ларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаш-тириш, ННТларга ижтимоий шериклик доирасида давлат мулкни бепул ёки имтиёзли шартлар асосида бериш, иж-тимоий шериклиги қўллаб-қув-ватлаган жисмоний ва юридик шахслар учун солиқ ва мажбу-рий тўловлар бўйича имтиёз-лар жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-рида Фуқаролик жамиятини ри-вожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини ташкил этиш синга-ри тақлифлар киритилган.

ННТлар томонидан тақдим этилган ушбу тақлифлар бево-

сита халқ билан мулоқотларда билдирилган фикрлар, одам-ларни қийнаётган муаммолар, уларнинг мулоҳазаларига асос-ланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган давра суҳбатда шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир Давлат дастури лойи-ҳасини жамоат ташкилотлари иштирокида муҳокама этиш, фуқаролик жамиятини ривож-лантиришга қаратилган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.

"Фаол тадбиркорлик, инно-вацион ғоялар ва технология-ларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури лойи-

ҳаси 237 банддан иборат бўлиб, у Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис-га Мурожаатномасида белги-ланган вазифалар асосида иш-лаб чиқилган.

Мурожаатномада барча дав-лат органлари қосида фаоли-ят олиб борадиган жамоатчи-лик кенгашларини ташкил этиш ва мазкур жамоатчилик кен-гашлари давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъ-минлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозимлиги таъкидланган.

Г.САТТОВА,
ЎЗА муҳбири

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

**Олмазор туманидаги "Олимпия" маҳалла фуқаролар йиғинида
Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига
Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб
қилишга бағишланган тадбирлар доирасида давра суҳбати ўтказилди.**

Олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими му-ассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, фаол ёшлардан иборат тарғибот гуруҳи аъзола-ри иштирок этган тадбирда Мурожаатнома маъ-но-моҳияти, қамрови жиҳатидан тарихий аҳа-миятга эга экани, унда билдирилган фикрлар ҳар бир фуқаро қалбига эртанги кунга ишонч туйғу-сини мустаҳкамлаб, юрдошларимизни фидойи-ликка, мамлакатимиз тараққиётини янада янги босқичга кўтаришга фаол иштирок этишга ун-дагани таъкидланди. Тадбирда сўзга чиққанлар аввало инсон манфаатларини кўлаб, халқ ичига қириб бораётган Юрбошимизнинг эртаю кеч жон қуйдириб, узоқ вақт ўз ечимини кутаётган муаммоларга барҳам бераётганини ҳаётий ми-соллар асосида эътироф этдилар.

– Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис па-латаларига Мурожаатномаси айнан халқимиз

кўнглидаги орзу-истакларни ифода этгани бил-лан муҳим аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Мўминжон Хўжаев. – Унда илгари сурилган пурмаъно фик-рларни аҳолининг барча қатламларига етказиш, кенг тарғиб қилиш айниқса педагоглар, ма-ҳалла фаоллари зиммасига катта масъулият юк-лайди. Бугунги тадбирнинг қизгин мулоҳаза-ларга бой тарзда ўтгани одамларнинг юрти-мизда кечаётган туб ислохотлар жараёнига ижо-бий муносабатда намоён бўлди. Президентимизнинг ушбу тарихий нуқти фуқаролар қал-бига келажакка катта умид, ишонч, шу юртга дахлдорлик ҳиссини кучайтирганига амин бўлдик.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтир-ган саволларга мутахассислардан жавоб олди-лар.

Муҳлиса ХУСАНОВА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ
ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
ҳузуридаги пресс-холлда Ўзбекистон
Республикаси Туризмни
ривожлантириш давлат қўмитаси
томонидан матбуот анжумани
ўтказилди.**

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдуҳақимов мамлакатимиз туризм са-лоҳиятини юксалтириш, тизимда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқимизнинг та-рихий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш, "Хавфсиз туризм" концепцияси ижроси, мил-лий туризм маҳсулотлари ва брендларини жа-ҳон сайёҳлик бозорига олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Туризм иқтисодиётнинг жадал ривожлана-ётган йирик тармоқларидан бири бўлиб, аҳоли даромадлари ва бандлигини ошириш, мамла-катни иқтисодий-ижтимоий тараққий эттириш-да муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объекти, жумладан, 4 минг 200 дан ортиқ археологик ёдгорлик, 2 мингдан зиёд архитектура объекти мавжуд. Улардан 500 дан ортигида сайёҳлар келиб кўриши учун шароитлар яратилган ҳамда ту-ризм йўналишларига киритилган. Бундан таш-қари, 8 қўриқланадиган ҳудуд, 3 миллий таби-ят боғи, 6 давлат табиат ёдгорлиги ва 11 бу-юртмаҳона туристик соҳадаги имкониятларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

2017 йили мамлакатимиз туризм салоҳия-тини янада ривожлантириш бўйича қатор иш-лар амалга оширилди. Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси-нинг туризм соҳасини жадал ривожлантириш-ни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қўллаб-қўйишлар бўйича амалий ишларни бошлади.

Сайёҳлик соҳасининг қонунчилик асосини мустаҳкамлаш, соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш доирасида янги таҳ-рирдаги "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ва 30 меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқил-ди, улардан 22 таси қабул қилинди.

Ўтган йили мамлакатимизга 2,5 миллион сайёҳ ташриф буюрган, туризм хизматлари экспорти 1 миллиард 557 миллион долларни ташкил этган. Шунингдек, 128 туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, бугунги кунда улар 561 тага етган. Туроператорлар томонидан сай-ёҳларга қўрсатилаётган туристик маҳсулотлар ҳажми ва хизмат турлари кенгайди.

Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз ша-ҳарлари хавфсиз туризм ҳудудлари деб эълон қилинди, бу борада тегишли меъёрлар ишлаб чиқилиб, хавфсизлик чора-тадбирлари жорий қилинди. Президентимизнинг 2017 йил 5 де-кабрдаги фармони асосида Тошкент вилояти-да "Чорвоқ" эркин туристик зонаси ташкил этилди.

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида "Қади-мий Бухоро" ва "Самарқанд Сити" туризм зо-наларини ташкил қилиш, умумий ҳисобда 450 га яқин лойиҳани амалга ошириш, жумладан, 50 маданий мерос объектини реставрация ва консервация қилиш, 50 дан ортиқ меҳмонхона қуриш ва қайта тиклаш, 100 га яқин умумий овқатланиш объектини барпо этиш ишлари олиб боришмоқда.

Матбуот анжуманида хорижий сайёҳлар учун виза ва рўйхатга олиш таомили соддалашти-рилгани, яқка тартибдаги хорижий сайёҳлар учун 30 кун мuddатга бериладиган ягона ки-риш туризм визалари жорий қилингани ва ви-заларини расмийлаштириш нархи 60 АҚШ дол-ларидан 40 долларга камайтирилгани таъкид-ланди.

Тармоққа ахборот-коммуникация технология-лари изчил хорижий этилмоқда. Мамлакатимиз-даги 600 дан ортиқ сайёҳлик объектини бир-лаштирган "Е-Меҳмонхона" автоматлаштирил-ган тизими ишга туширилиб, хорижий ва ма-ҳаллий фуқаролар ҳисобини олиб бориш жа-раёни ва бу борадаги ҳисоботлар электрон шаклга ўтказилди.

Тадбирда туризм хизматлари сифатини жа-ҳон талабларига мувофиқлаштириш, аэропорт-ларда божжона расмийлаштирувдан ўтказиш-ни оsonлаштириш борасида ҳам жиддий қадам-лар ташланаётгани қайд этилди. Барча аэро-портларда "яшил" ва "қизил" йўлаклар ташкил этилгани, сайёҳларга шаҳарларимиз харитасини бериш, такси ҳайдовчиларининг маданиятини ошириш, транспорт хизматини кенгайтириш борасидаги лойиҳалар ҳақида маълум қилин-ди.

Шу билан бирга, хорижий сайёҳлар эътиро-зига сабаб бўлаётган омиллар, масалан, кафе ва ресторланларнинг тунги ишлаш вақти чек-лангани, бир, икки юлдузли меҳмонхоналарга кам эътибор қаратилаётгани, автобуслар етиш-маслиги, ҳудудларда санитария-гигиена мас-канлари етарли эмаслиги каби масалалар ҳақида ҳам сўз юритилиб, уларни бартараф этиш бўйича кенг қўламли ишлар изчил амал-га оширилиши таъкидланди.

Журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

М.ЭЗМУРДОВ,
ЎЗА муҳбириХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ
АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Тадбирда Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов, ташқи ишлар вазири ўринбосари С.Ниёзхўжаев ва "Тарақ-қиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг даради ташвишлари, ҳаётий муаммо-ларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлганига алоҳида эътибор қаратди. Бу тизим-нинг асоси бўлган Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхо-наси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига ҳос демок-ратик институт сифатида амалда ўзини оқловмоқда.

Ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолар ижобий ечи-лгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти амалда кенг жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарлар-нинг йўл қўйилган хато ва камчи-ликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарли-ги кучайгани мазкур тизимнинг му-ҳим натижаси бўлди.

– Президентимизнинг "Халқ дав-лат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қили-ши керак" деган ғояси асосида мам-лакатимизда халқ билан мулоқотнинг ўзига ҳос тизими яратилди, – дейди Олий Мажлис Сенати раисининг би-ринчи ўринбосари Содик Сафоев. – Халқ билан мулоқотнинг бундай кенг қўламада жорий этилгани аввал ама-лиётда учрамаган тизимдир.

Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис-га Мурожаатномаси факат парламен-тга эмас, балки бутун халқимизга му-рожаати бўлди. Бу жуда кенг қўла-ли, том маънодаги халқчил маъруза халқ билан мулоқот қилишининг яна бир ўзига ҳос шакли бўлди.

Мурожаатномадан кейин турли соҳа ва касб эгалари, оддий фуқа-ролар унга муносабатини билдирди ва бу жараён ҳали давом этмоқда. Бунинг боиси унда ҳаётимизда мав-

жуд бўлган ютуқ ва камчиликлар рўй-рост баён қилингани, келгусида амалга ошириш зарур бўлган вазифа-лар аниқ қўйилгани билан боғлиқ.

Мурожаатнома янги уйғониш дав-ри бошланганидан дарах берди. Шу-нинг учун ҳам бу нафақат халқимиз, балки бутун дунё жамоатчилигининг эътиборини тортиди.

Тадбир иштирокчилари ислохот-лар инсон манфаатларига қаратил-гани билан аҳамиятга эга экани, уларни амалда таъминлаш бугунги куннинг вазифаси эканини таъкид-ладди. Бу жараёнда жамоат назорати институти имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, қонун ижодкорлиги борасида қўп иш қилиш, қабул қили-наётган қонунларнинг таъсир кучи-ни ошириш, аҳолига энг зарур бўлган соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқбу-зарликлар профилактикаси соҳаси-да таъсирчан механизмлардан фой-даланиш зарур. "Менинг фикрим" веб-портали яратилиши жойлардаги аҳолини қизиқтираётган ва қийнаёт-ган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тарақ-қиётда мамлакатимизга жалб қили-надиган инвестициялар оқимини куч-айтириш муҳим ўрин тутди. Шу жи-ҳатдан Фаол тадбиркорлик, инноваци-он ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида хорижий давлатлардаги элчиҳоналар фаоли-яти тубдан такомиллашди.

Анжуманда 2018 йилги Давлат дастури лойиҳасининг кенг муҳока-маси билан боғлиқ масала бўйича ахборот берилди. Қисқа вақтда аҳолидан 4,5 мингга яқин фикр-му-лоҳаза ва тақлифлар келиб тушган. Бу 2017 йилги Давлат дастури лойи-ҳаси муҳокамаси жараёнидаги нисба-тан уч баробар кўпдир. 2018 йил-нинг 20 январига қадар бўлган мuddатда жамоатчилик муҳокамаси натижалари ва келиб тушган тақлифлар таҳ-лили асосида Давлат дастурининг та-комиллиги етказилган лойиҳаси тас-диқлаш учун киритилади.

Тадбирда журналистларни қизиқ-тирган саволларга жавоб қайтарил-ди.

Норгул АБДУРАИМОВА



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ислон Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола” танловини эълон қилган эди.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАОЛИЯТИ СОЛНОМАСИ – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Танловга мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, интернет нашрларида эълон қилинган кўплаб материаллар, илмий-оммабоп мақолалар, Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоб ва рисоалар келиб тушган. Нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан уларнинг энг яхшиларини сараланиб, 2018 йилнинг I чорагида танлов ғолибларининг номлари эълон қилинади.

Шундай китоблардан бири “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов фаолияти хроникаси (Солнома)”дир.

Мазкур нашр Ислон Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги йигирма етти йиллик фаолият хроникасини ўзида мужассам этган. Солномани варақлар экансиз, Биринчи Президентимиз мамлакатимизнинг мураккаб ва таҳликали даврида ҳам, шонли зафарларга бой пайтида ҳам халқ билан бирга бўлгани, халқнинг дарду таъшиши, қувончу шодлиги, орзу-истакларини худди ўзиникидек қабул қилгани, “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган эзгу ғояларига содиқ қолгани, шу юрт, шу эл учун ўзи айтмоқчи “ёниб яшаш керак”лигини амалда исботлаганига гувоҳ бўласиз.

Мана улардан айримлари:

“1989 йил 25 июнь. Ислон Каримов Фарғона вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан танишиш мақсадида ушбу вилоятда бўлди. Ўзбекистон раҳбари вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларига бориб, юзга келган нотинч вазият туфайли жабр кўрган одамлар билан суҳбатлашди, аҳволни барқарорлаштириш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича маҳаллий раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берди.”

“1990 йил 20 июнь. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Декларацияда ҳуқуқий ва демократик давлат мустақиллигининг устуворлиги, Ўзбекистоннинг иттифокдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шартномалар асосида белгиланиши ва давлат белгилари (ғерб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши қайд этилди.”

“1991 йил 31 август. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида маъруза қилди. Ушбу сес-

сияда мамлакатимиз ҳаётида буюк тарихий воқеа содир бўлди. Юртбошимиз бутун дунёга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилди. 1 сентябрь – Мустақиллик куни умумхалқ байрами этиб белгиланди”.

Ислон Каримовнинг фаолияти давомидаги мамлакатимиз ҳаётидаги бундай тарихий, асрларга татиғулик янгилиниш ва ўзгаришлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Асосийси, буларнинг барчаси Биринчи Президентимизнинг жасорати, мадонати, мардлик ва олижаноблик фазилатлари, ноёб истеъдоди, одиллиги ва донишмандлиги, узқоқи кўра билиши ва Ватанимизга, халқимизга садоқати, унинг

бахшида қилди. Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқшига, ўзини химоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккахожимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиши, мустақиллик йилларида халқимиз улкан ютуқ ва марраларга эришиши – буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ. Ҳатто умрларининг охириг қунарида ҳам, соғлиги ёмонлашган пайтда ҳам халқига, эл-юртига садоқатини, фидойилигини, меҳр-мухаббатини намоян этди:

“2016 йил 31 август. Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриғи йўллади.

Давлатимиз раҳбарининг байрам табриғи 1 сентябрь куни матбуотда чоп этилди”...

Биринчи Президентимизнинг ўзи бошлаб берган улғу йўлини қўлуғ йигирма бешинчи довонидаги ушбу табриғида шундай сўзлар бор эди:

“Қадри ва муқтарам ватандошларим!

Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилаймиз.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!”

Халқимиз омон экан, Биринчи Президентимизнинг бу тилаклари, албатта, ижобат бўлади: мустақиллигимиз абадий бўлади. Халқимиз Биринчи Президентимиз орзу қилган буюк келажак сари дадил одимлашда, озода ва обод Ватанини кўз қорачидага асраб, эртанги авлодларга безавол етказишда, бу йўлда бир-бирига елкадош, маслақдош бўлиб ҳаракат қилишда давом этаверади.

Байрам АЙТМУРОВО

ХОТИРАСИ МАНГУ ЎДИМИЗДА...

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Ислон Каримов таваллудининг 80 йиллиги ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Қуролли Кучлар академияси ўқитувчилари, тингловчилар, курсантлар, санъаткорлар қатнашди. Тадбир иштирокчилари Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гуллар қўйди, халқимизнинг азиз фарзанди, мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби сиймосига ҳурмат бажо келтирди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ислон Каримов раҳнамолигида қисқа муддатда мутлақо янги асосда Ўзбекистон Қуролли Кучлари шакллантирилгани, мудофаа тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилганини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимиздаги ҳарбий билим юртлари сифат жиҳатдан такомилга етказилди. Уларда Ватанимиз сарҳадларини химоя қилиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлигимизни сақлашга қодир 30 га яқин йўналишда ҳарбий мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳарбийларга кенг имтиёз ва зарур шароитлар яратилди. Том маънода профессионал миллий армиямиз ташкил этилди.

Бугун бу жараён янги босқичда давом этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди. Миллий гвардия ва Мудофаа санъати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди. Ҳарбий округларнинг таркибий тузилмаси ва вазифалари қайта қўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди. Армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар тизимли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Темир Ширинов тадбир иштирокчиларига мажмуа ҳақида маълумот берди. Таъкидландики, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Ислон Каримов фаолият юритган қароргоҳ ёдгорлик мажмуасига айланди. Айни кунда мажмуада 120 дан зиёд ҳодим меҳнат қилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ва таникли мақом санъати ижрочиларининг чиқишлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдириди.

У. АСРОРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2018 йил 19 февралда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокара олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга тақлиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагилар:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун энг қамийда ҳақдалда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш. Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат туланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатларининг нусхаси;
- тақлифлар (бизнес-режалар) солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланган, муҳрланган конвертлар, икки нусхада;
- “нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома”нинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;
- “*ҳисмонинг шахслар учун - паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда,

ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; елимлаб оғзи ёпилган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи тақлифлар: сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати; инвестициявий мажбуриятларнинг тақлиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (зарур бўлганда); талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва тегишли тармоққа илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (мавжуд бўлганда). Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади. Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни/буюртмаларни қабул қилиш оферта тақлифнинг ўтказиш бошланишидан 1 иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади. Музокаралар 2018 йил 19 февраль куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16А-йи манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2018 йил 6, 23 март, 9, 24 апрель, 9, 24 май ва 8, 25 июнь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16А-йи манзилида ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 233-35-08

Оммавий оферта савдоларига тақдоран чиқарилаётган давлат активлари РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майdonи (кв.м.)	Объект манзили	Баландса савдо	ПҚ/ВМК	Савдога чиқарилаётган нарх (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Умумий майdonи 23603 кв.м. метрга тенг бўлган “Савдо ва хизмат кўрсатиш мулк” мажмуаси	23 603,00	Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 487-й	“Ўрмон савдо комплекси” МЧК	ВМ-507-ф 23.06.2016г.	62 073 944 456,00		
2	Умумий майdonи 22728 кв.м. метрга тенг бўлган “Савдо ва хизмат кўрсатиш мулк” мажмуаси	22 728,00	Учтепа тумани, Тошкент автомобиль йўли кўчаси	“Ўрмон савдо комплекси” МЧК	ВМ-507-ф 23.06.2016г.	42 762 493 610,00		
3	1 қаватли бинонинг (ошхона) ер тўла иншооти	230,00	Чилонзор тумани, Қатортоғ кўчаси, 38-й	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Бинолардан фойдаланиш департаменти” ДУК	ВМ-39 02.03.2015г.	488 085 035,00		
4	5 қаватли бинонинг 5 қават қисми	834,00	Чилонзор тумани, “М” мажмуаси, Чўпон ота кўчаси, 28А-й	Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси “Ўзгиреўрмонбойска” ДУК	ВМ-540-ф 16.07.2015г.	1 865 092 160,00		
5	4 қаватли бинонинг қисми	2 198,00	Чилонзор тумани, 8-мажмуа, Қатортоғ кўчаси, 21-й	Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси	ВМ-540-ф 16.07.2015г.	6 175 368 504,00		
6	“Наврў” савдо мажмуасининг темирконструкцияси		Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-й	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Бинолардан фойдаланиш департаменти” ДУК	ВМ-5 11.01.2013г.	6 607 065,00		
7	“Landshaft dizayn markazi” ДУК		Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-й	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015г.	72 668 300,00	- энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш;	
8	1 қаватли бинонинг ер тўла қисми	154,00	Шайхонтоҳур тумани, Зуфариёнов кўчаси, 1а-й	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги	ВМ-39 02.03.2015г.	315 086 600,00	- қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш;	
9	Бир қаватли бинонинг 379 кв. метрга тенг бўлган фойдаланилмаётган ер тўла қисми	379,00	Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шох кўчаси, 4А-й	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги	ВМ-39 02.03.2015г.	1 707 783 049,33	- янги иш ўринларини ташкил этиш;	
10	Қурилиш тўхтаб қолган бино	2 194,00	Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси	Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги	ВМ-209 25.07.2013г.	1 404 154 739,00	- қарид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш	
11	“Bezak” МЧК ҚК	17,5 фон. давлат улуғи	Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-й	“Bezak” МЧК ҚК	ПҚ-2340 28.04.2015г.	1 331 546 580,00		
12	Маъмурий технология комплекс, пессоналар, маънавият ва истеҳсолот боғининг бино ва иншоотлари	20 628,00	Учтепа тумани, Сяккокий кўчаси, 3А-й	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Маданият бошқармаси	ВМ-507-ф 23.06.2016г.	44 421 125 948,00		
13	Медиконхона биноси	6 178,30	Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115-й	“Тошкент савдо сервис” МЧК	ВМ-507-ф 23.06.2016г.	28 613 375 389,73		
14	“Истироҳат” фабрикаси бино ва иншоотлари	7 013,00	Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси, 258-й	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Бинолардан фойдаланиш департаменти” ДУК	ВМ-507-ф 23.06.2016г.	20 614 156 806,00		
15	Қўн қаватли турар жой биносининг 1-қаватдаги умумий майdonи 53 кв. метрга тенг бўлган қисми	53,00	М.Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 3-й	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Бинолардан фойдаланиш департаменти” ДУК	ВМ-39 02.03.2015г.	202 045 811,00		
16	“Марказ” қаҳвахонаси бино ва иншоотлари	422,00	Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-й	“Олмазор қўнча санъат зонаси” АЖ	ВМ-83 04.04.2014г.	353 440 291,00		

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарорига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2018 йилги маҳаллий бюджетни таромадлари ва харажатлари ҳақлари тўғрисида”ги 261/29-5-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 4 январдаги “Тошкент шаҳрининг 2018 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида”ги 4-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Яккасарой туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджетни асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Яккасарой туман маҳаллий бюджетларининг 2018 йил таромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетдан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган мақсадли иқтимоий трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

Давлат солиқларидан шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ.

3. Яккасарой туман Молия бўлимига ўрнатилган тартибда туман маҳаллий бюджетига маблағларни ва бюджет сусалари (таромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратилишида, уларни миқдорлари бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан шунингдек, иш ҳақи (ягона иқтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштиришни зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Яккасарой туман Молия бўлимига Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг таромад ва харажат қисмига ўзгартаришлар киритилишига рухсат берилсин.

5. Мазкур қарор “Тошкент оқиломи” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yakkasaray.uz веб-сайтига joyлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга кирасин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яккасарой туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Яккасарой тумани ҳокими
С.Махаметов

2018 йил 8 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицей фаоллар залида Олмазор туманида истиқомат қилувчи вояга етмаган, ишсиз ва уюлмаган ёшлар, маҳалла посбонлари иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқотда Ёшлар иттифоқи Олмазор тумани Кенгаши етакчилари, сектор раҳбарлари, ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар, солиқ идоралари раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Олмазор туманида ёшларга яратилган шарт-шароитлар, бу борада қабул қилинган Фармон ва қарорлар моҳияти ҳақида тўхталдилар. Олмазор туманида 58 та маҳаллада яшовчи 360 минг аҳолининг 50 фоизидан зиёдини ёшлар ташкил этади. Бугунги кунда ёшларни турли ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга долзарб масала сифатида қаралмоқда. Айниқса, уюлмаган ёшларни иш билан таъминлаш, мактаб, коллеж ва лицейларда ўқувчиларнинг давоматини назорат қилиш, уларни фойдали машғулотлар билан қамраб олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирда Олмазор туманидаги 35 та мактаб, 8 та коллеж, 8 та академик лицейга ички ишлар инспекторлари жалб қилиниб, профилактика ишлари доимий олиб боришмоқда. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. 2017 йил давомида 76 нафар вояга етмаган ёшлар ҳуқуқбузарлик содир этгани учун профилактик ҳисобга олинди. Уларнинг 40 таси мактаб ўқувчиси, 36 нафари коллеж ва лицей ўқувчиси. Ҳозирги кунда махсус режа асосида ҳисобга олинганлар билан

лан алоҳида иш олиб боришмоқда. Учрашувда Ички ишлар вазирлиги академияси маъсул ходимлари сўзга чиқиб, ёшларни академияга қўйиш ва сиртки бўлишга ўқишга қабул қилишда киритилган янгилликлар юзасидан маълумот беришди.

Учрашувда ёшлар ўзларини қийнаётган қатор муаммолар бўйича мутасаддиларга мурожаат этишди. Мен Иброҳим Жўрабековман, ёшим 24 да, Тошкент кимё-технология институтининг бакалавр босқичини тутатдим. Мутахассислигим бўйича иш қидираяман. Йўғилишда бандлик маркази раҳбарлари ёрдам беришларини айтишди. Умид қилиб қолам.

— Ёшларда учраётган жиноятлар асосан ота-она назоратсизлиги оқибатида келиб чиқмоқда, — дейди ИИБ академияси раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети тингловчиси, подполковник Мурод Ҳакимов, — агар сабабини таҳлил қилсангиз ота ёки она хориққа ишга кетган, бола тарбияси назоратдан четда қолган, шу туфайли бола билиб-билмай ҳуқуқбузарлик ёки жиноят қўқасига кириб қолмоқда. Шунинг учун истардикро, ҳар бир ота-она бола тарбиясида маъсулиятни чуқур ҳис қилса, қўлаб жиноятларнинг олди олинган бўларди.

Очик мулоқот давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган бarchа саволларга жавоб олишди.

З. ШАРИФЖОНОВ
академик лицей

Спорт янгилликлари

ОСИЁДАГИ КУЧЛИ ЧЕМПИОНАТ

"IFFHS — International federation of football history and statistics" ташкилоти мавсумдаги энг яхши миллий чемпионатлар рейтингини эълон қилди.

Унга кўра Испания чемпионати 2017 йил дунёнинг энг яхши лигаси деб топилди. "IFFHS" талқинига кўра Ла-лига 2010 йилдан буён бу борада тенгсиз бўлиб келмоқда. 1991 йилдан буён энг кўп Испания чемпионати биринчи бўлди — 12 марта. Италия А серияси 10 марта, Англия премьер-лигаси 4 марта ва Германия

Бундеслигаси 1 марта энг кучли чемпионат бўлган.

Осиёда Жанубий Корея "К-Лига"си қаторасига еттинчи йил қитъада тенгсиз бўлиб турибди. Ундан кейинги ўринда Саудия Арабистони чемпионати қайд этилган. Япония "J-лига"си 9та ўрин кўтарилиб олди. Ўзбекистон дунёда 70 ва қитъада 8-ўринда бормоқда. Биздан

олдинда Хитой, Эрон, Таиланд ва БАА чемпионатлари ҳам бор. Ўзбекистондан пастда Катар, Австралия, Ироқ ва Сурия каби мамлакат чемпионатлари жой олган.

Ҳисоб-китоб миллий чемпионатнинг энг кучли бешта клубининг ички ва халқаро мусобақалардаги натижаларидан келиб чиқиб олиб борилади.

АМЕРИКАЛИК БОКСЧИ ЕНГИЛДИ

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган "Turning Stone Casino Resort" аренасида Шоҳжаҳон Эргашев америкалик Сони Фредриксонни енгди.

Ҳамюртимиз ўз анъанасига кўра рингга бошида ўзбек дўпписи билан кўтарилгани муҳлисларини янада хурсанд қилди. Шоҳжаҳон ва Сони ўртасидаги баҳснинг учинчи раундида енгилмас боксчимиз рақибига қатор аниқ ва кучли зарбалар йўллади. Америкалик боксчи эса бу зарбаларга қарши тура олмади ва техник нокаутга учради. Хат-

токи, беллашувдан сўнг 23 ёшли Фредриксон жағидаги оғрик сабабли касалхонага тушди.

Шу тариқа боксчимиз фаолиятидаги ўн иккинчи жангини ҳам нокаут билан якунлади. Фредриксон эса фаолиятида илк бор мағлубиятга учради.

Ботир ХҲАЕВ

ЙИЛЛИК СМЕТА ТАСДИҚЛАНДИ

Профессионал футбол лигаси (ПФЛ) жорий йилда Ўзбекистон чемпионатининг Суперлигасида иштирок этадиган футбол клубларининг харажатлар сметаси қанча бўлиши лозимлиги ҳақидаги маълумотни эълон қилди.

Профессионал футбол лигаси (ПФЛ) қарорига кўра жорий йилги мавсум харажатлар сметаси 25 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги шарт. Шу туфайли ҳам Суперлига шарафини ҳимоя қиладиган жамоалар талабнома билан биргаликда молиявий манбаларидан кафолат хати

асосида ишлаб чиқилган харажатлар сметасини тақдим этишлари лозим. Дарвоқе, харажатлар сметаси 25 миллиард сўмдан кам бўлган клубларнинг Суперлигада иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

"101"

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Ёнгинларнинг сабаби кўп.

Назоратсиз қолдирилган дазмол, компьютер, таъмирталаб, носоз телевизор ва кишиларнинг маъсулиятсизлиги ва бепарволиги оқибатида кўрсатиб ўтилган мосламалар орқали келиб чиқадиган ёнгин катта мусибатларга олиб келади.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига гувоҳ бўламиз. Билиб туриб ўзимиз ва мол-мулкимизни хатарга қўямиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қондаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот ва аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Бу эса қўтилмаганда ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари сизларни доимо огоҳ бўлишга, иш жойингиз ва хонадонингизда ҳеч қачон ёнгинлардан талафот кўрмаслигингизни тилаб қолади.

Асомиддин ҚАМБАРОВ,
"Маърифат маркази" ЁХБ инспектори,
сержант

Содир бўлаётган ёнгинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлиб қолаётгани уларга ёнгин, унинг оқибатлари, ёнгин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушунтиришни талаб қилади.

Бола онгда ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш содир бўлаётган ноҳуш ҳолатларнинг қамайишига ижобий таъсир кўрсатади, албатта. Бу борада ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ёнгин хавфсизлиги қондалари, ёнгиннинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли лавҳалар, кўргазмалар қўроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Аҳоли турар жой бинолари хонадонларнинг ёнгин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам ёнгинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолининг ёнгин хавфсизлиги қондаларига жиддийроқ қарашга, ёнгинни келтириб чиқарувчи сабабларни бар-тараф этишга ўндайди.

Зафар АҚБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президент
Девони биносини Ёнгиндан муҳофаза қилувчи
Ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси инспектори,
капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Идоралараро комиссиянинг 11.10.2017 йилдаги 14-сонли баённомаси билан Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиш тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари рўйхатига киритилган объектлар РҲҲАТИ

№	Корхонанинг номи	Объект жойлашган манзили	Хусусийлаштириш учун асос	Объект майдони (кв.м.)	Био-иншоотлар майдони (кв.м.)	Бўш ер майдони (кв.м.)	Бўш био-иншоотлар тўғрисида маълумот	
							бўш био майдони (кв.м.)	соҳаси
A	1	2	3	4	5	6	7	8
1	"SUVMASH" АЖ	Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 13-уй	Кўмитанинг 25.07.2001й 215к-ПО буйруғи	128567	65990		7779	ишлаб чиқариш бинолари
2	"METAL PRINT" МЧЖ ХК	Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 40-уй	Бошқарманинг 19.06.1996й 224пп-р фармойиши	47208	9981		2376	ишлаб чиқариш бинолари
3	"Vazira National Foods" МЧЖ	Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 24-уй	Тошкент вилояти бошқармасининг 26.12.1995й 2210-О буйруғи	19380	5823		720	маъмурий бино
4	"Parks Korea Oil" ҚҚ	Бектемир тумани, Порлок кўчаси, 53-уй	Бошқарманинг 27.06.1994й 511пп-р фармойиши	21527	7974		1621,12	ишлаб чиқариш бинолари
5	"Kuehn Logistics" МЧЖ	Бектемир тумани, Порлок кўчаси, 4-уй	Кўмитанинг 27.01.1993й 99-П буйруғи	36596	1675		314	маъмурий бино
6	"Xonobod bog xo'jaligi" МЧЖ	Бектемир тумани, Порлок 2-тор кўчаси, 5-уй	Тошкент вилояти бошқармасининг 18.05.1994й 226-О буйруғи	94604	10736	20000	3790	ишлаб чиқариш бинолари
7	"Panel Manufacture" МЧЖ	Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 23-уй	Бошқарманинг 19.12.2005 йил 456пп-р фармойиши	19786	4079		351	ишлаб чиқариш, омбор бинолари
8	"Arktika Bottlers" МЧЖ ҚҚ	Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 41-уй	Тошкент вил. бошқармасининг 21.06.1995 йилдаги 3489 ордери	31147	7627		5312	ишлаб чиқариш бинолари
9	"Jurabek" хусусий корхонаси	Бектемир тумани, Порлок кўчаси, 6 б-уй	Бошқарманинг 2.06.2005 йил 159ау ордери	27605	3463		2831	ишлаб чиқариш бинолари
10	"Miks Industrial" МЧЖ	Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 73-уй	Бошқарманинг 424к-ПО буйруғи	31211	15226		1952	ишлаб чиқариш бинолари
11	"Tasheltromash" МЧЖ	Яшнобод тумани, Ахсикат кўчаси, 176-уй	Бошқарманинг 14.12.1994 йил 1601 ордери	5076	2849		813	ишлаб чиқариш бинолари
12	"Mirsolar" МЧЖ	Яшнобод тумани, Ахсикат кўчаси, 176-уй	Бошқарманинг 14.12.1994 йил 1601 ордери	4797	6377		830	ишлаб чиқариш бинолари
13	"Асака" акциядорлик тижорат банки	Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 13/1-уй	Бошқарманинг 310пп-р фармойиши	1710	1710		1710	маданят маркази
14	"Agroximplast" МЧЖ	Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 74-уй	Кўмитанинг 26.04.1994 йил 162-пр сонли буйруғи	1059	9075		6175	ишлаб чиқариш бинолари

"ОМАД ТРАНС СЕРВИС" МЧЖга тегишли автомобилларга шаҳар ва шаҳар атрофида юк ташини учун берилган қўйидаги лицензия варақалари:

1 KAMA35321	1007210A	2021524, 2021525
2 KAMA353212	10C782EA	2092307
3 DONG FENG	01Z3580CA	2091738
4 ГАСПГЗЛММ3441510	01P647KA	2004997, 2005002
5 ТЦ13	013405AA	2005003 2004998,
6 ГАСПГЗЛМ130B1	01E174NA	2048316, 2048318
7 ТЦ10	013404AA	2048317, 2048319
8 ГАСПГЗЛМ3441510	01Y694YA	2048315, 2048321
9 ГАСПГДАЕВОО LABO	100394LA	2092308

Йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат юридик институтининг 1997 йилда Хусанов Бобир Мамасадикович номига берилган №163036 раҳамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ДУК "СУВСОЗ" "ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ" УК
Электрон энергия нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2018 йил 1 февралдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларни қайта киритилишини хабар қилади:
Сув таъминоти бўйича — 1 м3 учун 470 сўм, ҚҚСсиз.
Оқава сув бўйича — 1 м3 учун 275 сўм, ҚҚСсиз.

"Учтепа тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Курбанова Фатима номига турар жой учун берилган Учтепа тумани, Зулфизар кўчаси, 190-уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
кечаси — 4-6 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида — 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат
варда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар. (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 раҳам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 135

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10368 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун маъсул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ